Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Суғурта фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**суғурта таваккалчилиги** – тахмин қилинаётган воқеа бўлиб, ушбу воқеа юз берган тақдирда суғурта амалга оширилади;

**суғурта тарифи** – суғурта объектини ва суғурта таваккалчилигининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган, шунингдек суғурта шартларига мувофиқ суғурта суммаси бирлигидан олинадиган суғурта мукофоти ставкаси;

**суғурта товони (суғурта тўлови)** – суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчига, суғурталанган шахсга (наф олувчига) ҳар бир суғурталанган шахс учун суғурта суммаси доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси;

**суғурта тури** – суғурта ташкилоти томонидан бир ёки бир нечта суғурта класслари доирасида ишлаб чиқилган ва тақдим этиладиган аниқ суғурта хизмати;

**суғурта фаолияти** – суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани ва қайта суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти;

**суғурта қиймати** – агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурта шартномасини тузиш чоғида тарафларнинг келишуви билан аниқланадиган, суғуртага топшириладиган мол-мулкнинг қиймати;

**франшиза** – суғурта қилдирувчи зарарларининг бир қисми бўлиб, суғурта шартномасига мувофиқ унинг ўрни суғурталовчи томонидан қопланмайди;

**қайта суғурта** – суғурта шартномаси бўйича қабул қилинган суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш таваккалчилигини бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи) билан тузилган қайта суғурта шартномасига мувофиқ суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тўлиқ ёки қисман суғурта қилиш;

**қайта суғурталовчи** – бошқа суғурта ташкилотидан қайта суғурта қилиш учун суғурта таваккалчиликларини қабул қиладиган суғурта ёки қайта суғурта ташкилоти;

**қайта суғурта шартномаси** – суғурталовчи ўзининг суғурта шартномасига доир барча мажбуриятларини ёки уларнинг бир қисмини қайта суғурталовчига қайси шартномага мувофиқ ўтказса ўша шартнома.

### 4-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентларнинг суғурта фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг муассислари (иштирокчилари) сифатида иш юритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахснинг мулкий манфаатларини суғурта қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган суғурта ташкилоти томонидан амалга оширилади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### 5-модда. Трансчегаравий суғурта ва қайта суғурта

Суғурта ташкилоти томонидан бошқа давлат ҳудудида суғурта шартномаларини тузиш ва бажариш бўйича фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ суғурта трансчегаравий суғуртадир.

Суғурта (қайта суғурта) ташкилоти томонидан ўзи қабул қилган суғурта таваккалчиликларини қайта суғуртага ўтказиш пруденциал нормативларни ҳисоблаш тартибига доир талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган суғурта ташкилоти номидан суғурта шартномасини тузиш бўйича воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси мустасно.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқаётган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган суғурта ташкилоти номидан тузиш бўйича воситачилик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) тегишли суғурта класси кўрсатилган лицензиясига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган суғурталовчилар амалга ошириши мумкин.

## 2-боб. Суғурта фаолиятини ташкил этиш

### 6-модда. Суғурта соҳалари ва турлари (класслари)

Суғурта қуйидаги соҳаларга бўлинади:

ҳаётни суғурта қилиш (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш, бунда шартнома бўйича суғуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ҳамда суғурта суммаларининг суғурта шартномасида кўрсатиб ўтилган оширилган фоизни ўз ичига олувчи бир марталик ёки даврий тўловларини (аннуитетларни) қамраб олади);

умумий суғурта (шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари).

Суғурта таваккалчиликларининг ёки улар гуруҳларининг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 7-модда. Суғурта шакллари

Суғурта ихтиёрий ва мажбурий суғурта шаклларида амалга оширилади.

Ихтиёрий суғурта ихтиёрий суғуртани амалга оширишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи суғурта шартномаси ҳамда қоидалари асосида амалга оширилади.

Ихтиёрий суғурта шартномасида суғурта қоидаларининг асосий тушунчаларини акс эттирувчи суғуртанинг муҳим шартлари кўрсатилиши керак.

Мажбурий суғуртани амалга ошириш шартлари ва тартиби мажбурий суғуртанинг аниқ турлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

### 8-модда. Суғурталовчининг қайта суғуртага доир суғурта фаолияти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат қайта суғуртани амалга оширишга доир фаолият қонунчиликда назарда тутилган тартибда лицензияланиши лозим.

Суғурта ташкилоти суғурта фаолиятининг турлари (класслари) бўйича суғурта таваккалчиликларини қайта суғуртага ўтказишни ва қабул қилишни суғурта фаолиятини амалга ошириш учун олинган лицензияга мувофиқ, қонунчиликда белгиланган пруденциал нормативларга риоя этган ҳолда, қайта суғуртага оид лицензияни олмасдан туриб амалга ошириши мумкин.

Қайта суғуртани қайта суғуртага оид лицензия асосида фаолиятнинг алоҳида тури сифатида амалга оширувчи қайта суғурта ташкилоти «ҳаётни суғурта қилиш» ва «умумий суғурта» соҳаларида суғуртанинг барча класслари бўйича қайта суғуртани амалга оширишга ҳақли.

Резидент бўлган суғурталовчиларнинг тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта товонларига (суғурта тўловларига) доир мажбуриятларини (бундай мажбуриятларнинг бир қисмини) қайта суғурта қилиш, ўзи таъсис этилган мамлакатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ қайта суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олган чет эл суғурта ташкилотлари, қайта суғурта ва (ёки) брокерлик ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

### 9-модда. Биргаликдаги суғурта фаолияти

Биргаликдаги суғурта деганда битта суғурта шартномаси бўйича айни бир объектни бир нечта суғурталовчи томонидан биргаликда суғурта қилиш тушунилади.

Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар, наф олувчилар суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, бундай шартномада кўрсатилган исталган суғурталовчига суғурта товони (суғурта тўлови) тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

Лицензиясида тегишли суғурта класси кўрсатилмаган суғурта ташкилотининг биргаликдаги суғурта фаолиятида иштирок этиши тақиқланади.

### 10-модда. Суғурта (қайта суғурта) шерикчилиги

Суғурта (қайта суғурта) шерикчилиги деганда суғуртанинг айрим турлари ёки суғурта таваккалчиликлари бўйича суғурта фаолиятини биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида биргаликда амалга оширувчи суғурталовчилар бирлашмаси тушунилади.

Суғурта шерикчилиги ўз иштирокчиларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, улар томонидан миқдори битта суғурта ташкилотининг ўз маблағларидан (капиталидан) ошиб кетиши мумкин бўлган суғурта товонлари бўйича мажбуриятларни бажариш учун ташкил этилади ҳамда биргаликдаги суғурта ёки қайта суғурта принциплари асосида фаолият кўрсатади.

Қайта суғурта шерикчилиги шерикчилик аъзолари томонидан қайта суғуртани суғурта шартномаси бўйича уларда қолдирилган маблағларидан ошадиган қисми бўйича амалга ошириш орқали шерикчилик аъзоларининг молиявий имкониятларини кўпайтириш учун ташкил этилади.

### 11-модда. Суғурта объектлари

Жисмоний шахсларнинг маълум бир ёшгача ёки муддатгача яшаши ёхуд жисмоний шахсларнинг ҳаётида бошқа воқеалар юз бериши, шунингдек уларнинг ўлими билан боғлиқ мулкий манфаатлар ёки жисмоний шахсларнинг соғлиғига зарар етказилиши, шунингдек бахтсиз ҳодиса ёки касаллик натижасида уларнинг ўлими билан боғлиқ мулкий манфаатлар ҳаётни суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин.

Тиббий хизматлар (тиббий ёрдам, дори-дармонлар билан таъминлаш) ҳамда бошқа хизматлар ташкил этилишини ва кўрсатилишини талаб этаётган шахс соғлиғининг ёки ҳолатининг бузилиши оқибатида бундай хизматларни ташкил этиш ва кўрсатиш учун, шунингдек шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган таҳдидлар даражасини камайтирадиган ва (ёки) уларни бартараф этадиган профилактика тадбирларини ўтказиш учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ мулкий манфаатлар тиббий суғурта объектлари бўлиши мумкин.

Мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), камомади ёки шикастланиши таваккалчилиги билан боғлиқ мулкий манфаатлар мол-мулкни суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг) даромадлар ололмаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг кутилмаган харажатлари юзага келиши таваккалчилиги билан боғлиқ мулкий манфаатлари мулкий суғуртада молиявий таваккалчиликларни суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин.

Тадбиркорнинг контрагентлари томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли тадбиркорлик фаолиятидан зарарлар юзага келиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ушбу фаолиятнинг шартлари ўзгариши таваккалчилиги, шу жумладан кутилаётган даромадларни ололмаслик таваккалчилиги билан боғлиқ мулкий манфаатлар тадбиркорлик таваккалчиликларини суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин.

Қуйидагилар билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлар фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш объектлари бўлиши мумкин:

жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-мулкига, юридик шахсларнинг, давлатнинг мол-мулкига зарар етказганлик учун жавобгарлик юзага келиши таваккалчилиги;

шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик юзага келиши таваккалчилиги.

### 12-модда. Суғурта фаолиятининг субъектлари

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектларидир.

Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир.

Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачиларидир.

### 13-модда. Суғурталовчи

Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта тўлови) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

Суғурталовчилар суғуртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, бундан ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### 14-модда. Суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурталовчи:

суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузишга;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилишга, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилишга;

инвестиция фаолиятини амалга оширишга;

қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди;

суғурта (қайта суғурта) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга;

суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) ишлаб чиқишга ва тасдиқлашга;

суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта тўлови) миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборотни ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўрашга ва олишга;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузишга;

қонунчиликда ва (ёки) суғурта (қайта суғурта) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашни рад этишга, суғурта (қайта суғурта) шартномасини муддатидан илгари бекор қилишга;

суғурта (қайта суғурта) шартномасида назарда тутилган тартибда суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишга, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси талаблари ва шартларининг бажарилиши устидан назорат олиб боришга;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатишга;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида ўз ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилишга ёки ижарага беришга;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва хорижий рейтинг ташкилотларидан ахборот олишга;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этишга ҳақли.

Суғурталовчи қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонунчилик талабларига мувофиқ таъминлаши;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонунчиликда ёки суғурта (қайта суғурта) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни ва суғурта товони (суғурта тўлови) тўловларини амалга ошириши;

фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини ва суғурта қилдирувчиларни ушбу Қонунда белгиланган тартибда хабардор қилиши;

суғурта захираларини қонунчиликда белгиланадиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда бир йилда камида бир марта актуар ташкилотни актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 15-модда. Суғурта брокери

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасини тузишни ҳамда унинг бажарилишини ташкил этишга доир фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс суғурта брокеридир.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, бундан қайта суғурта брокерининг фаолияти мустасно.

Суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта брокери ўзи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

### 16-модда. Қайта суғурта брокери

Ўз номидан ва қайта суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи сифатида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта шартномасини тузишни ҳамда унинг бажарилишини ташкил этишга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс қайта суғурта брокеридир.

Қайта суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида (устав капиталида) иштирок этишга ҳақли эмас.

Қайта суғурта брокери ўзи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

### 17-модда. Суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини ваколатлари доирасида амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта) шартномаси тузилган тақдирда, суғурталовчини танлаш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг, суғурта захираларининг ҳамда қабул қилинган мажбуриятларнинг миқдорлари тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қонунчиликка ҳамда ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта (қайта суғурта) шартномасини тузиш ва бажариш бўйича тўлиқ, ишончли ҳамда холисона ахборотни мижозларнинг сўровларига кўра тақдим этиши;

мижознинг тижорат сирини ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши;

фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ваколатли давлат органини ҳамда суғурталовчиларни хабардор қилиши;

қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурта ва қайта суғурта брокерларининг зиммасида қонунчиликка ҳамда ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 18-модда. Суғурта агенти

Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасини тузишни ҳамда унинг бажарилишини ташкил этишга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс суғурта агентидир.

Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари ва ходимлари суғурта агенти сифатида иш юритиши мумкин эмас.

Суғурта агенти ўз фаолиятини суғурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Суғурта агенти фақат ўзи билан топшириқ шартномаси (агент битими) тузган суғурталовчининг реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Қуйидагиларга:

суғурта агентининг тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлмаган суғурталовчилар номидан суғурта шартномалари тузишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта бўйича суғурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл суғурта ташкилотлари номидан суғурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахс бўлган суғурта агенти ўз номига, яқин қариндошлари (ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, эри, хотини, фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси, неваралари, шунингдек эрининг, хотинининг ота-онаси, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек ўз фойдасига суғурта шартномалари тузишга ҳамда бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича суғурта агенти сифатида иш юритишга ҳақли эмас.

### 19-модда. Суғурта агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта агенти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан мажбурий суғурта турлари бўйича ҳам воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилигини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашда ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда ҳамда суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашида зарур кўмак кўрсатиш;

лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг, суғурта захираларининг ҳамда қабул қилинган мажбуриятларнинг миқдорлари тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилигига ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида суғурталовчидан маълумотлар олиш;

суғурта шартномаси (суғурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

суғурта қилдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида ҳамма учун очиқ бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурта қилдирувчи ҳақида суғурта қилдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

Суғурта агенти қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта агенти:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта шартномасини тузиш ва суғурта товонини (суғурта суммасини) тўлаш чоғида ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашиши;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суғурта шартлари ҳақида, лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг, суғурта захираларининг ҳамда қабул қилинган мажбуриятларнинг миқдорлари тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборотга эга бўлиши;

суғурта шартномасини расмийлаштириш чоғида суғурта қилдирувчи тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши, унга суғурта таваккалчилигини пасайтиришга ва суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишни таклиф этиши;

суғурта қилдирувчиларнинг сўровига кўра уларни суғуртанинг амалдаги шартлари тўғрисида хабардор қилиши;

суғурта шартномаларини белгиланган тартибда тузиши ва янги муддатга ўз вақтида қайта расмийлаштириши;

тузилган суғурта шартномалари ва олинган суғурта мукофотлари суммалари ҳисобини белгиланган шаклда юритиши;

суғурта ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ичида таваккалчилик шартлари жиддий равишда ўзгарганлигига тааллуқли ахборот суғурталовчи томонидан ўз вақтида олинишини, шунингдек суғурта эътирозлари юзага келганда ҳамда уларни тартибга солиш жараёнида суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ахборотнинг ўз вақтида алмашинишини таъминлаши;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда, суғурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан суғурта товони (суғурта тўлови) тўланишини ташкил этиши шарт.

Суғурта агентининг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 20-модда. Аджастер

Аджастер суғурталовчининг, суғурта қилдирувчининг ва бошқа буюртмачининг топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатадиган, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ҳодисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш;

суғурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда – суғурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражасини ва зарар миқдорини аниқлаш;

тўланиши лозим бўлган суғурта товони (суғурта тўлови) суммасини аниқлаш;

суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

Аджастер ўз фаолиятини суғурталовчи, суғурта қилдирувчи ва бошқа буюртмачи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта операцияларини ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида (устав капиталларида) иштирок этишга;

суғурта қилдирувчининг вакили сифатида суғурта товони (суғурта тўлови) суммасини олишга ҳақли эмас.

Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, суғурталовчи ундан зарарларнинг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Аджастернинг ҳисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### 21-модда. Аджастернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аджастер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аджастер хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини, суғурта қилдирувчини ва бошқа буюртмачиларни эркин танлаш;

суғурта воқеасини (суғурта ҳодисасини) ўрганиш учун суғурталовчидан, суғурта қилдирувчидан ва бошқа буюртмачилардан зарур ахборотни сўраш ҳамда олиш;

суғурта ҳодисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

ўзи суғурта объектини сиртдан (зарур бўлганда – техника воситаларини қўллаган ҳолда) кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш;

суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта тўлови) миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборотни ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш.

Аджастер қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аджастер:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта ҳужжатларининг бут сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта ҳодисасига тааллуқли маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш учун чоралар кўриши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт.

Аджастернинг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 22-модда. Актуар ташкилот ва актуарий

Актуар ташкилот қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик шахсдир:

суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобларини амалга оширишни, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг такрорийлигини ва унинг оқибатларининг оғирлик даражасини белгилашни;

суғурталовчининг зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилишни, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқишни;

суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга имкон берадиган тарзда аниқлашни;

суғурталовчилар ва қайта суғурталовчилар капиталининг етарлилик кўрсаткичини ҳисоблашни, шунингдек активлар сифатини таъминлаш механизмларини белгилашни;

суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослашни ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилишни;

суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилашни;

суғурталовчининг инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолашни;

суғурталовчининг даромадларини суғуртанинг (қайта суғуртанинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштиришни;

актуар ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни;

суғурта билан боғлиқ бошқа актуар хизматларини кўрсатишни.

Актуар ташкилот шартномага мувофиқ тўлов асосида фақат актуар хизматларини кўрсатиши мумкин.

Актуарий қонунчиликда белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини олган ва актуар ташкилот штатида турган ёки актуар ташкилот билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган жисмоний шахсдир.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилотнинг зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар ташкилот ўз штатида камида битта актуарийга эга бўлиши керак.

Актуарий:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта операцияларини ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) устав фондларида (устав капиталларида) иштирок этишга ҳақли эмас.

Актуарий фаолиятининг натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

Актуарийнинг ҳисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### 23-модда. Актуар ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Актуар ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини ва бошқа буюртмачиларни эркин танлаш;

(Давоми 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Суғурта фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи ва бошқа буюртмачилар томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш;

бошқа актуар ташкилотларни ва ўзга мутахассисларни актуар хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб қилиш.

Актуар ташкилот қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Актуар ташкилот:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

актуар хизматлари кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

актуар хулосасида актуар ҳисоб-китобларнинг камчиликлари фактларини ва уларни бартараф этишга доир таклифларни акс эттириши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт.

Актуар ташкилотнинг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 24-модда. Суғурта сюрвейери

Суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта (қайта суғурта) шартномаси тузилгунига қадар суғурта (қайта суғурта) объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта (қайта суғурта) шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли бўлган мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Суғурта сюрвейери:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта операцияларини ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида (устав капиталларида) иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилиб, суғурталовчи ёки суғурта қилдирувчи бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта) шартномасини тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг ҳисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

### 25-модда. Суғурта сюрвейерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта сюрвейери:

хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини ёки суғурта қилдирувчини эркин танлашга;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан ёки суғурталовчидан зарур ахборотни сўрашга ва олишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўрашга ва олишга ҳақли.

Суғурта сюрвейери қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта экспертизасини ўтказиш учун тарафлар тақдим этган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт.

Суғурта сюрвейерининг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 26-модда. Ассистанс

Ассистанс суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассистанс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи жисмоний ёки юридик шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини суғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Ассистанс хизматларига суғурта қилдирувчиларнинг (суғурталанган шахсларнинг) иштирокисиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

Ассистанс:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта операцияларини ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида (устав капиталларида) иштирок этишга ҳақли эмас.

### 27-модда. Ассистанснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ассистанс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ассистанс хизматлари кўрсатилиши бўйича суғурталовчилар билан мустақил равишда шартнома тузиш;

ассистанс хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ахборот суғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ассистанс хизматлари кўрсатишни рад этиш;

тегишли мутахассисларни ассистанс хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб қилиш.

Ассистанс қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ассистанс:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

суғурта қилдирувчилардан (суғурталанган шахслардан) суғурта воқеалари (суғурта ҳодисалари) тўғрисидаги хабарлар кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиши ва суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга) суғурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суғурта полиси асосида зарур ёрдам кўрсатиши;

суғурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чораларини кўриши;

қонунчиликда белгиланган ахборотни ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт.

Ассистанснинг зиммасида қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 28-модда. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг уюшмалари

Агар суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг уюшмаларини ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш қонунчилик талабларига зид келмаса, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги тадбирларни (чораларни) амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар ташкил этиши мумкин.

## 3-боб. Суғурта шартномаси ва қоидалари

### 29-модда. Суғурта шартномаси

Суғурта қилиш суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида тузиладиган суғурта шартномаси асосида амалга оширилади.

Суғурта шартномаси суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ёзма ёки электрон шаклда тузилган битим бўлиб, суғурта қилдирувчи унга мувофиқ суғурта мукофотини (суғурта бадалини) суғурта шартномасида белгиланган тартибда, муддатларда ва ҳажмда тўлайди ҳамда суғурта шартномасида ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради, суғурталовчи эса суғурта шартномасида кўрсатилган муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Суғурта шартномаларида франшиза назарда тутилиши мумкин.

Франшиза ҳам суғурта суммасининг фоизларида, ҳам муайян суммада белгиланиши мумкин ҳамда шартли ва шартсиз франшизага бўлинади. Суғурта шартномасида франшизанинг бошқа турлари назарда тутилиши мумкин.

Суғурта шартномасининг ёзма ёки электрон шаклини тузишга доир талабларга риоя этмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Ваколатли давлат органи суғурта шартномаси шартларига қўйиладиган энг кам талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

### 30-модда. Суғурта қоидалари

Суғурта қоидалари (бундан халқаро суғурта тизимлари доирасида қабул қилинадиган суғурта қоидалари мустасно) суғурталовчи ёки суғурталовчиларнинг бирлашмаси томонидан қабул қилинади ҳамда тасдиқланади ва суғуртанинг асосий қоидаларини ўз ичига олиши керак.

Суғуртанинг асосий қоидалари қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олиши керак:

суғурта субъектлари;

суғурта объектлари;

суғурта ҳодисалари;

суғурта таваккалчиликлари;

суғурта суммаси, суғурта тарифи ва суғурта мукофотини (суғурта бадалларини) аниқлаш тартиби;

суғурта шартномаларини тузиш, бажариш ва тугатиш тартиби;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

зарарларнинг ёки зиённинг миқдорини аниқлаш тартиби;

суғурта товонини (суғурта тўловини) аниқлаш тартиби;

суғурта товонини (суғурта тўловини) амалга ошириш муддатлари, шунингдек суғурта товонини (суғурта тўловини) рад этиш асосларининг батафсил рўйхати ва бошқа қоидалар.

### 31-модда. Суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида электрон шаклдаги ахборот алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари

Суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс, наф олувчи) томонидан суғурталовчига суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш, муддатидан олдин тугатиш учун, суғурта қоидаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суғурта товонини (суғурта тўловини) олиш учун электрон шаклдаги ахборотни (суғурта шартномасини тузиш, ўзгартириш, муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризани, суғурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги билдиришномани, суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш тўғрисидаги аризани ва (ёки) бошқа ҳужжатларни) яратиш ҳамда жўнатиш суғурталовчининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтидан, шунингдек мобиль иловалардан, электрон почтадан ва ахборот алмашишнинг бошқа усулларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Суғурталовчининг расмий веб-сайтидан ушбу ахборот тизимининг оператори бўлган суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи ўртасида электрон шаклдаги ахборот алмашинувини таъминлайдиган ахборот тизими сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни бажариш учун суғурталовчининг расмий веб-сайтига киришни суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс, наф олувчи) идентификациялаш ва аутентификациялаш тизимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мумкин.

Суғуртани электрон шаклда амалга ошириш чоғида электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ёхуд электрон рақамли имзосиз тақдим этилган электрон шаклдаги ахборот суғурта шартномаси, шу жумладан суғурталовчининг электрон рақамли имзоси билан имзоланган қайси суғурта шартномаси (полиси) шартларига суғурта қилдирувчи офертани (суғурта шартномаси тузиш таклифини) қабул қилиш ва суғурта мукофоти тўлаш орқали ўз розилигини берган бўлса, ўша суғурта шартномаси (полиси) шартларига мувофиқ қоғоздаги ҳужжатга тенг ҳужжат деб эътироф этилади.

Ихтиёрий суғуртани амалга ошириш чоғида суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс, наф олувчи) ва суғурталовчи ўртасида электрон ҳужжатлардан фойдаланишга доир талаблар ҳамда электрон шаклда ахборот алмашиш тартиби суғурта қоидаларида ва (ёки) мазкур шахслар ўртасидаги бошқа келишувда белгиланади.

### 32-модда. Суғурта шартномаси иштирокчилари

Суғурталовчилар, суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар, наф олувчилар ва манфаатдор шахслар суғурта шартномасининг иштирокчилари сифатида иш юритиши мумкин.

Суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузувчи ва суғурта мукофотини (суғурта бадалларини) тўловчи юридик шахс ёки муомалага лаёқатли жисмоний шахс суғурта қилдирувчидир.

Суғурта қилдирувчилар учинчи шахсларни (суғурталанган шахсларни) суғурта қилиш тўғрисида фақат уларнинг розилиги мавжуд бўлган тақдирдагина суғурталовчилар билан шартномалар тузиши мумкин, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Суғуртада иштирок этаётган, мулкий манфаатлари суғурта ҳимоясининг объекти бўлган жисмоний шахс суғурталанган шахсдир.

Суғурталанган шахс, агар ўзига нисбатан суғурта шартномасини тузса ва ҳисобланган суғурта мукофотини тўласа, суғурта қилдирувчи ҳам бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) томонидан суғурта товонини ёки суғурта тўловини олувчи сифатида тайинланган жисмоний ёки юридик шахс наф олувчидир.

Наф олувчи суғурта шартномаси ҳақидаги ахборотни суғурта қилдирувчидан, суғурталанган шахсдан ёки суғурталовчидан олишга ҳақли.

### 33-модда. Суғурта мукофоти

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофотининг миқдорини белгилашда ўзи ишлаб чиққан суғурта тарифларини қўллашга ҳақли бўлиб, бу тарифлар суғурта объекти ва суғурта таваккалчилигининг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда суғурта суммаси бирлигидан undириладиган мукофотни белгилайди.

Суғуртанинг айрим турлари бўйича суғурта мукофотининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган суғурта тарифларига мувофиқ аниқланади.

### 34-модда. Суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш

Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган шахсга фақат суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаши шарт.

Суғурталовчи қуйидагиларга ҳақли эмас:

агар у суғурта шартномасида ёки қонунда кўрсатиб ўтилган суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги далилларни олган бўлса, суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашни рад этишга;

агар суғурта ҳодисасининг юз бериши суғурта қилдирувчининг (суғурталанган шахснинг ва (ёки) наф олувчининг) суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлса, суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлашга. Бундай ҳолда суғурталовчи тўланган суғурта мукофотини қайтармайди.

Тарафларнинг келишувига кўра, суғурталовчи зарарларни тўлиқ ҳисоб-китоб қилгунига қадар суғурта товонининг бир қисмини тарафлардан бирортаси ҳам низолашмайдиган миқдорда тўлаши мумкин.

## 4-боб. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган талаблар

### 35-модда. Умумий талаблар

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг), суғурта брокерларининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари, башарти улар ушбу Қонунда белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлса, тайинланади.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокери номзоднинг ушбу Қонунда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни номзод ваколатли давлат органига суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг, шунингдек уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбари ёки бош бухгалтери лавозимига тайинлангунига қадар тақдим этиши шарт.

### 36-модда. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг раҳбари қуйидаги малака талабларига мувофиқ бўлиши керак:

олий маълумотга эга бўлиш;

иқтисодий, молиявий, юридик ихтисосликка эга бўлган мутахассислар учун суғурта соҳасида камида уч йиллик иш стажининг (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходим лавозимларидаги иш стажини ҳисобга олмаган ҳолда) мавжудлиги;

бошқа ихтисосликка эга бўлган мутахассислар учун суғурта соҳасида камида етти йиллик иш стажининг (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходим лавозимларидаги иш стажини ҳисобга олмаган ҳолда) мавжудлиги.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг бош бухгалтери «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

### 37-модда. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг алоҳида бўлинмаси раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг алоҳида бўлинмаси раҳбари қуйидаги малака талабларига мувофиқ бўлиши керак:

олий маълумотга эга бўлиш;

суғурта соҳасида камида бир йиллик иш стажининг (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходим лавозимларидаги иш стажини ҳисобга олмаган ҳолда) мавжудлиги.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг алоҳида бўлинмаси бош бухгалтери қуйидаги малака талабларига мувофиқ бўлиши керак:

олий (бухгалтерлик, аудиторлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиш;

бухгалтер сифатида камида бир йиллик иш стажининг мавжудлиги.

### 38-модда. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган қўшимча талаблар

Раҳбар (бош бухгалтер) томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги ҳақидаги фактлар мавжуд бўлган тақдирда, уни банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган пайтга қадар бир йил давомида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлган шахс суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг), суғурта брокерининг ҳамда уларнинг алоҳида бўлинмаларининг раҳбари (бош бухгалтери) этиб тайинланиши мумкин эмас.

## 5-боб. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларнинг фаолиятини лицензиялаш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш

### 39-модда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

Юридик шахс бўлган суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этилади.

### 40-модда. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) устав фонди (устав капитали)

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори қонунчиликда белгиланади.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав фонди (устав капитали) суғурта ташкилотининг муассислари томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади ҳамда миллий валютада ифодаланади.

Суғурталовчининг устав фондини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори лицензия олиш тўғрисида ариза бериладиган пайтга қадар суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) таъсисчилари томонидан шакллантирилган бўлиши керак.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) устав фондида (устав капиталида) иштирок этишига йўл қўйилмайди, бундан суғуртанинг бошқа тармоқларидаги суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) устав фондида (устав капиталида) ўзаро иштирокини чеклаш шартларида иштирок этиш ҳоллари мустасно.

### 41-модда. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг фирма номига доир талаблар

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилардан фойдаланилишига йўл қўйилмайди, бундан суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг филиаллари номлари мустасно.

Фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокери оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳақда суғурта қилдирувчиларни хабардор қилиши, ўзи бажараётган, бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган шартномалар бўйича эса ёзма шаклда ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида хабардор қилиши шарт.

«Суғурта» атамасидан ёки бу атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан фирма номида ёки товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) фойдаланилади.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар «суғурта» атамасини ўз фирма номига киритиши шарт.

### 42-модда. Суғурта фаолиятини лицензиялаш

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёки умумий суғурта соҳасида ёхуд фақат қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади.

Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, бундан умумий суғурта соҳасининг қонунчиликда белгиланган айрим турлари (класслари) мустасно. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас. Фақат қайта суғурта бўйича суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурталовчи суғурта шартномаларини тузишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни мўлжаллаётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

### 43-модда. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туришнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш унинг янги суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузишини, шу жумладан амалдаги суғурта (қайта суғурта) шартномаларини узайтиришни тақиқлашга сабаб бўлади. Лицензияси тўхтатиб турилган суғурталовчи (қайта суғурталовчи) илгари тузилган суғурта (қайта суғурта) шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажариши шарт.

### 44-модда. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензиясининг амал қилишини тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш кун ичида ваколатли давлат органи суғурталовчини (қайта суғурталовчини) тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши шарт.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) илгари фаолият кўрсатган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва ваколатли давлат органи томонидан тайинланадиган муваққат маъмуриятга ўтади. Муваққат маъмурият ўз фаолиятини суд қарор чиқаргунига қадар бўлган даврда амалга оширади.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) муваққат маъмуриятининг ҳисоботи ваколатли давлат органига ва суғурталовчини (қайта суғурталовчини) тугатиш тўғрисида ваколатли давлат органининг аризаси юборилган судга тақдим этилади.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, бундан суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига (қайта суғурталовчига) келиб тушаётган пулларни ҳисобга олиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта тўловини) тўлаш билан боғлиқ операциялар мустасно.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) муваққат маъмуриятининг иш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) аризасига биноан лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳолларига нисбатан, шунингдек суғурталовчи (қайта суғурталовчи) таъсисчиларининг ёхуд таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган ушбу суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқарув органининг қарорига кўра қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда татбиқ этилмайди.

### 45-модда. Суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ваколатли давлат органининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) қайта ташкил этишга рухсатнома олиш учун ваколатли давлат органига тегишли ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

муассислар (иштирокчилар) ёки қайта ташкил этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатларида қайта ташкил этиш ваколати берилган суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқарув органининг қарорини;

ташкил этилаётган суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) балансини ва унинг фаолиятининг молиявий натижалари прогнозини;

қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шартномасининг лойиҳасини (қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётганда).

Суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этишни амалга оширишга доир ариза зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилиши керак.

Ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида суғурталовчини (қайта суғурталовчини) ёзма равишда ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат шаклида хабардор қилиши шарт.

Ваколатли давлат органи суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этиш учун рухсатнома беришни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, агар:

суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этиш натижасида уларнинг молиявий барқарорлигига доир талаблар бузилиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) қайта ташкил этилиши суғурта бозорида рақобатнинг чекланишига ёки бартараф этилишига олиб келиши мумкин бўлса;

суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этиш учун рухсатнома берилишини сўраб тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар бўлса ёки бу ҳужжатлар қонунчиликка мувофиқ бўлмаса;

суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этиш қонунчиликка зид бўлса.

Суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этишни амалга ошириш учун берилган аризани такроран кўриб чиқишда суғурталовчиларни (қайта суғурталовчиларни) қайта ташкил этишни ушбу қайта ташкил этишни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича амалга оширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда суғурталовчи (суғурталовчилар) (қайта суғурталовчилар) лицензиясининг амал қилиши тугатилади. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан тузилган суғурталовчиларга (қайта суғурталовчиларга) лицензиялар бериш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган вақт учун ва янгидан тузилган суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) томонидан лицензия олинадиган пайтга қадар улар янги суғурта шартномаларини тузишга, амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмас, бундан илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ушбу суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ўз зиммасига олган, ҳуқуқий ворислик тартибида уларнинг ўзига ўтган мажбуриятларни бажариш ҳоллари мустасно.

Агар қўшиб олиш натижасида лицензия шартлари ўзгармаса, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганда ўзига бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи) қўшилган суғурталовчи (қайта суғурталовчи) амалдаги лицензияни сақлаб қолади.

Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилганда суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) лицензияси қайта расмийлаштирилади.

Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилганда лицензияни қайта расмийлаштиришга қайта ташкил этилаётган суғурталовчиларда (қайта суғурталовчиларда) янгидан вужудга келган суғурталовчини (қайта суғурталовчини) давлат рўйхатидан ўтказиш санасида лицензия мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

### 46-модда. Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талабларини қаноатлантириш навбати

Тугатилаётган суғурталовчи кредиторларининг талаблари тугатишни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек тугатиладиган суғурталовчининг асосий вазифаларини таъминлаш заруратидан келиб чиқадиган харажатлар тўланганидан кейин қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

биринчи навбатда – ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги мажбурий суғурта шартномалари бўйича суғурта қилдирувчиларнинг талаблари;

иккинчи навбатда – суғурта қилдирувчиларнинг бошқа мажбурий суғурта шартномалари бўйича талаблари;

учинчи навбатда – бошқа суғурта қилдирувчиларнинг (наф олувчиларнинг) талаблари;

тўртинчи навбатда – бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатларига доир талаблар. Кўрсатилган талаблар тўлиқ қаноатлантирилганидан кейин ижтимоий суғурта бўйича талаблар ҳамда жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик туфайли фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича талаблари қаноатлантирилади;

бешинчи навбатда – суғурталовчининг бошқа кредиторлари талаблари.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Суғурта фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

## 6-боб. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

### 47-модда. Ваколатли давлат органи

Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни ваколатли давлат органи амалга оширади.

Ваколатли давлат органи:

бажарилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятларнинг жами миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўловга қобилиятлилигига доир ҳисоботни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва уларнинг молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари таъминланишини назорат қилади;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағларнинг ҳисобини юритиш ва улар бўйича ҳисобот тузиш тартибини белгилайди;

суғурта захиралари маблағларининг энг кам миқдорини белгилайди;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва улар томонидан эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

қонунчиликка мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширишни амалга оширади ва уларга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, шу жумладан суғурта хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи камчиликларни бартараф этиш ҳақида ижро қилиниши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар бузилганлиги учун суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав фонди (устав капитали) энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда, белгиланган тартибда жарима солади;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ёки айрим суғурта классларига нисбатан тўхтатиб туради, шунингдек уларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисида судга мурожаат қилади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган тақдирда, суғурталовчиларга (қайта суғурталовчиларга) ҳамда суғурта воситачиларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар ва санкциялар қўллайди;

суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили давомидаги фаолияти ҳақидаги статистик маълумотларни расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида эълон қилади;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) инвестиция фаолиятини амалга ошириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди;

актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;

актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳонини ўтказади;

белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан қонунчиликда белгиланган ахборотни сўраб олади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида (устав капиталида) ҳамда бошқарув органларида иштирок этиш, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмас.

### 48-модда. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) томонидан пруденциал нормативларга риоя этилиши

Суғурта (қайта суғурта) ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда суғурта хизматлари истеъмолчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) белгиланган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт, ушбу нормативларни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган энг кам даражалари ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдорини;

тўловга қобилиятлилик мажбурий етарлилик нормативини;

суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятлари нормативини;

суғурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш бўйича нормативни;

ваколатли давлат органи томонидан белгиланган бошқа пруденциал нормативларни.

Пруденциал нормативларга келгусидаги ўзгартишлар ушбу ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин ваколатли давлат органи томонидан расмий равишда эълон қилинади.

### 49-модда. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) суғурта захиралари

Суғурта мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда миллий валютада ҳам, чет эл валютасида ҳам тўланган суғурта мукофотларидан суғурта захираларини шакллантирадилар ва жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ўз суғурта захираларига мувофиқ бўлган активлари олиб қўйилмайди.

### 50-модда. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари

Давлат суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) мулкий ҳуқуқларига ва бошқа ҳуқуқларига ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини ва уларнинг ҳимоя қилинишини, суғурта фаолиятини амалга оширишнинг эркин рақобат шароитларини кафолатлайди.

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аралашиш, агар бу суғурталовчи (қайта суғурталовчи) фаолияти устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг ваколатлари билан боғлиқ бўлмаса, тақиқланади.

### 51-модда. Ички назоратга ва таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар

Суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари ваколатли давлат органи томонидан белгиланган ички назоратга ва таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларга риоя этиши шарт. Ваколатли давлат органининг талаблари суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан амалга оширилаётган фаолият турининг тизимли аҳамиятини, ўзига хос хусусиятини, кўлами ва мураккаблигини инобатга олади.

Ваколатли давлат органининг ички назоратга ва таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблари жумласига қуйидагилар киради:

пруденциал талаблар учун молиявий, назоратга оид ҳисоботларнинг ва бошқа ҳисоботларнинг тўлиқлигини, ишончлилигини ҳамда ўз вақтида топширилишини таъминлаш;

муҳим аҳамиятга молик таваккалчиликларни аниқлаш ва бошқариш, стресс-тестдан ўтказиш бўйича тасдиқланган сиёсатнинг, шунингдек муҳим аҳамиятга молик таваккалчиликларга ҳамда капиталга доир ҳисоботлар тизимининг мавжудлиги;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) учун муҳим аҳамиятга молик таваккалчиликларни бошқаришга ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга доир сиёсатнинг изчил амалга оширилиши ҳамда унга риоя этилиши;

ички ҳужжатларда белгиланган таваккалчиликларнинг ва капиталнинг чекланган миқдорларига риоя этилиши, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) таваккалчиликларни бошқариш бўйича қабул қилинган тартиб-таомиллар самарадорлиги устидан кузатув кенгаши томонидан назоратни амалга ошириш.

### 52-модда. Монополистик фаолиятга йўл қўйилмаслиги

Суғурта бозорида рақобатни чеклашга ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчиларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига ўз улушлари ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш учун фойдаланиш тақиқланади.

## 7-боб. Ваколатли давлат органи томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар

### 53-модда. Чоралар ва санкцияларнинг қўлланилиши

Ваколатли давлат органи суғурта (қайта суғурта) ташкилотига, суғурта брокерига, илгари уларга назорат тарзида жавоб қайтариш чора-тадбирлари қўлланилганлигидан қатъи назар, қуйидаги санкцияларни қўллашга ҳақли:

лицензиянинг амал қилишини ўн кунгача муддатга тўхтатиб туришга;

агар лицензиат лицензия беришга доир қарор қабул қилинганлиги ҳақида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида ваколатли давлат органига лицензия берганлик учун давлат божини тўламаган бўлса, лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга;

суғурта портфелини бошқа суғурта ташкилотларига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тарзидаги санкцияни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

таваккалчиликнинг даражаси, қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг хусусияти ҳамда уларнинг оқибатлари;

йўл қўйилган қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг кўлами ҳамда аҳамияти ва уларнинг оқибатлари;

қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг мунтазамлиги (икки ва ундан кўп марта) ҳамда давомийлиги;

йўл қўйилган қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг молиявий ҳолатга таъсири;

аниқланган қоидабузарликлар ва (ёки) камчиликларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган сабаблар;

суғурта (қайта суғурта) ташкилоти ва суғурта брокери томонидан фаолиятда аниқланган камчиликларни, таваккалчиликларни ёки қоидабузарликларни бартараф этишга қаратилган мустақил чоралар кўриш.

### 54-модда. Қўпол қоидабузарлик

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўладиган лицензия талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилиши жумласига қуйидагилар киради:

а) суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун:

лицензиат учун қонунчиликда тақиқланган бошқа фаолият турларини амалга оширишга;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган махфий ахборотни суғурта қилдирувчининг рухсатисиз ошкор қилиш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

б) суғурта брокерлари учун:

мижоз учун манфаатли эмаслиги олдиндан маълум бўлган суғурта шартномасини тузиш ва бажариш;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган махфий ахборотни мижознинг рухсатисиз ошкор қилиш, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

## 8-боб. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўловга қобилиятлилигини баҳолаш

### 55-модда. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўловга қобилиятлилиги кафолатлари

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) айрим таваккалчиликлар бўйича йўл қўйиладиган энг кўп миқдордан ва жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп миқдоридан ортиқ мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин эмас, бундан уларнинг ушбу мажбуриятларни бажариш қобилияти тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативларига ва молиявий барқарорликнинг бошқа талабларига мувофиқ қайта суғурта қилинган ҳоллар мустасно.

### 56-модда. Актуар хулоса

Суғурта захиралари бўйича актуар хулоса суғурта (қайта суғурта) ташкилоти йиллик молиявий ҳисоботларининг ажралмас қисми бўлиб, ваколатли давлат органига тақдим этилиши лозим.

Актуар хулосани тақдим этишнинг мазмунига ва тартибига қўйиладиган талаблар ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

### 57-модда. Зарарлиликни тавсифловчи коэффициентлар

Суғурта (қайта суғурта) ташкилотлари суғуртанинг барча ёки айрим турларини (классларини) амалга оширишда ўз фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида зарарни тавсифловчи коэффициентлар (зарарлилик коэффициенти, харажатлар коэффициенти, бирлаштирилган коэффициент) ҳисоб-китобини амалга оширади.

Зарарлиликни тавсифловчи коэффициентлар (зарарлилик коэффициенти, харажатлар коэффициенти, бирлаштирилган коэффициент) – суғурта (қайта суғурта) ташкилоти фаолиятининг суғуртанинг барча ёки айрим турларини (классларини) амалга ошириш чоғидаги зарарлилигини акс эттирувчи нисбий кўрсаткичлардир.

Зарарлиликни тавсифловчи коэффициентларни (зарарлилик коэффициентини, харажатлар коэффициентини, бирлаштирилган коэффициентни) ҳисоб-китоб қилиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

### 58-модда. Молиявий ҳисоботларни эълон қилиш

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари молиявий ҳисоботларни ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган шаклда эълон қилади.

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари ўз маблағлари ҳолатига, капиталга доир талабларнинг бажарилишига, ликвидлиликка, таваккалчиликларнинг катта-кичиклигига ва бошқа муҳим кўрсаткичларга (нормативларга) боғлиқ бўлган ахборотни ошкор этиши керак.

Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ва суғурта брокерининг йиллик молиявий ҳисоботи аудиторлик хулосасисиз эълон қилинмайди.

## 9-боб. Ҳисоботлар, ҳужжатларни сақлаш ва ахборот олиш

### 59-модда. Бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар), суғурта брокерлари ва қайта суғурта брокерлари ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритади.

### 60-модда. Суғурта фаолиятига доир ҳужжатларни сақлаш

Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳужжатларни ўзининг идоравий архивида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда сақлаши шарт.

### 61-модда. Ахборот олиш ҳуқуқи

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар суғурта ҳодисаларининг рўй бериши сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта тўлови) миқдорларини суғурталовчи ва аджастер томонидан аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборотни ҳамда ҳужжатларни суғурталовчиларнинг ва аджастерларнинг сўровига кўра тақдим этиши шарт.

Ваколатли давлат органи суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан қабул қилинган пул маблағлари ва мажбуриятларнинг миқдорлари ҳақидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни ўз ваколати доирасида талаб қилишга ҳақли. Бундай ахборотни сўраш сўров сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма тарзда амалга оширилиши керак.

Ваколатли давлат органи ўзи олган ахборотга нисбатан махфийликка риоя этиши шарт, бундан қонунга мувофиқ ахборотнинг ошкор қилинишига йўл қўйиладиган ҳоллар мустасно.

### 62-модда. Суғурта сири

Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар тўғрисидаги, суғурта қилдирувчилар ҳамда суғурталанган шахслар соғлиғининг ҳолати, суғурталанган мол-мулк, суғурта суммаси ҳақидаги, банк ҳисобварақларининг мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ошкор қилинмайди.

Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, таклиф этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очиқ ахборот бўлиб, суғурта сири предмети бўлиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар суғурта қилдирувчининг, шунингдек суғурталанган шахсларнинг ва наф олувчиларнинг ўзига тааллуқли маълумотларга доир ёзма розилиги асосида учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин.

Суғурталовчилар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ маълумотлар тўғрисидаги маълумотномаларни Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига суғурта қилдирувчининг розилигини олмаган ҳолда, белгиланган тартибда тақдим этади.

Суғурталовчилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги маълумотномаларни судга, прокурорга, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда эса суриштирув ва терговингорганларига, суднинг ундирувни суғурта қилдирувчининг мол-мулкига қаратиш ёки бу мол-мулкни хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда, давлат ижрочиларига суғурта қилдирувчиларнинг розилигини олмаган ҳолда, белгиланган тартибда тақдим этади.

Суғурталовчилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги маълумотномаларни, бундан суғурта қилдирувчилар ва суғурталанган шахслар соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар мустасно, қонунчиликда мажбурий суғурта бўйича белгиланган мажбуриятларнинг суғурта қилдирувчилар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи тегишли давлат бошқаруви органларига суғурта қилдирувчиларнинг розилигини олмаган ҳолда, белгиланган тартибда тақдим этади.

Тузилган суғурта шартномалари ва амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномалар суғурта қилдирувчи жисмоний шахс вафот этган тақдирда қуйидагиларга берилади:

суғурта қилдирувчи ўз васиятномасида кўрсатган шахсга;

судга ва нотариусга – уларнинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар бўйича суднинг қарори ёки нотариуснинг ўз муҳри билан тасдиқланган ёзма сўрови асосида. Нотариуснинг ёзма сўровига суғурта қилдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси илова қилинган бўлиши керак;

консулга – унинг иш юритувида бўлган меросга оид ишлар юзасидан.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органига тақдим этади.

Тузилган суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қонунчиликда белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этилади.

## 10-боб. Якунловчи қоидалар

### 63-модда. Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Суғурта хизматларининг истеъмолчилари суғурталовчини ва суғурта хизматларини танлашда эркиндир. Суғурталовчилар истеъмолчининг талабига биноан унга суғурта хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этиши шарт.

Суғурталовчи шахсни суғурта хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланиш шарти сифатида суғурталовчининг ёхуд ўзга учинчи шахснинг бошқа суғурта хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланишга мажбурламаслиги керак.

### 64-модда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари

Ваколатли давлат органи суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажариш учун қуйидаги чораларни кўради:

суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартибини белгилайди;

суғурта ташкилотлари фаолиятидаги улар кўрсатадиган хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи тизимли камчиликларни аниқлайди, шунингдек уларнинг олдини олиш чораларини кўради;

ўз хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйган суғурта ташкилотларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллайди;

суғурта ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида маслаҳатлар беради ва кўмаклашади;

аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш чораларини кўради.

Ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозори тўғрисидаги ахборотни аниқлайди ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилади.

Суғурта бозори профессионал иштирокчилари истеъмолчилар билан ўзаро муносабатларда ўз фаолиятига қўйиладиган талабларга риоя этишини текшириш учун ваколатли давлат органи ўз ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматларни сотиб олиши юзасидан назорат тадбирларини амалга оширишга ҳақли.

Назорат тадбирлари суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини олдиндан хабардор қилмасдан ўтказилади.

### 65-модда. Низоларни ҳал этиш

Суғурта фаолияти соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 66-модда. Ваколатли давлат органининг қарори устидан шикоят қилиш

Ваколатли давлат органининг қарори ва ҳаракатлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

### 67-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни ва чет эл юридик шахсларини суғурта қилиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл юридик шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари билан тенг равишда суғурта ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланади.

### 68-модда. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 69-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги 358–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 68-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 359–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 69-модда;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **32-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–108-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 415-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–156-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 192-модда) **3-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–192-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 635-модда);

7) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–223-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 337-модда) **10-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–267-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 467-модда);

9) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–323-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 107-модда);

10) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **38-моддаси**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–355-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 263-модда) **25-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **22-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **22-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **12-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–448-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 10, 605-модда) **14-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январда қабул қилинган **«Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–516-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 5-модда) **16-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **137-моддаси**.

### 70-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### 71-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

### 72-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 ноябрь
№ ЎРҚ—730

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) Хоразм вилоятида **янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга**, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш бўйича **имтиёзли даврни беш йил этиб белгилаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5233-сон қарорига мувофиқ зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати **камида 50 миллиард сўм миқдорида белгилансин**.

Бунда, ушбу тартиб бўйича **50 миллиард сўмдан 200 миллиард сўмгача** бўлган инвестиция лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ушбу лойиҳалар қийматининг **20 фоизидан ошмаслиги лозим**.

3. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан биргаликда Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган **98 та маҳалла** учун 2022 — 2026 йиллар давомида:

а) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида:

маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида **200 миллиард сўм**;

аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун **50 миллиард сўм миқдорида кредит ресурслари ажратилишини кўзда тутсин**;

б) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан инфратузилмани ривожлантириш учун **150 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин**.

4. Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан **2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача** Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган:

кичик тадбиркорлик субъектларига корхона қурилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техникаларни республиканинг бошқа ҳудудларидан олиб келиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни республиканинг бошқа ҳудудларига етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транспортида **ташиш харажатларининг 50 фоиз қисмини қоплаб бериш**;

маҳаллий экспортчилар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда, уларнинг Каспий денгизигача ташиш билан боғлиқ транспорт харажатларини **тўлиқ қоплаб бериш тартиби жорий этилсин**.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.Умурзаков) **бир ой муддатда** Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Оролбўйи минтақасидаги тадбиркорлик субъектларининг юк ташиш харажатларини **қоплаб бериш тартибини** тасдиқласин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (К.Сариев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.Эрманов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикасида **45 та** ва Хоразм вилоятида **40 та янги кичик саноат зоналарини** белгиланган тартибда ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Олий Мажлис Сенатига (Т.Нарбаева) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идора раҳбарларининг мазкур Фармон ижроси юзасидан ахборотларини эшитишни ташкил этиш (шу жумладан, жойига чиққан ҳолда) ҳамда амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриб бориш тавсия этилсин.

7. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси К.Р.Сариев, Хоразм вилояти ҳокими Ф.У.Эрманов, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов ҳамда иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М.Холхўжаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари С.У.Умурзаков ва Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 ноябрь

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА ЯНГИ ВОСИТАЛАР

1 Барқарор ривожланиш мақсадлари Ўзбекистон Президентининг доимий эътибор марказида бўлиб, БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида бу борада муҳим ташаббуслар илгари суриб келинмоқда. Хусусан, 2020 йилда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеяси махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билдирилган эди.

Шу ташаббус доирасида жорий йилда Бухоро шаҳрида дунё тарихида илк маротаба Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган халқаро форум ўтказилди ва якунда Бухоро декларацияси қабул қилинди.

Тадбирда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, бу борада таъсирчан парламент назоратини олиб бориш мақсадида Олий Мажлис палаталари раҳбарлари бошчилигида Парламент комиссияси тузилгани ҳам айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, шу кунга қадар юртимизда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни инобатга олган ҳолда, 190 дан ортиқ стратегия, концепция ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётгани эътироф этилди. Биргина ўтган йилда Давлат бюджетининг 72 фоизи бевосита Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун йўналтирилгани ҳам бу борадаги ишлар кўлами қанчалик кенг эканлигидан далолат бериб турибди.

Шунингдек, халқаро анжуманда қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари маъруза билан қатнашиб, БРМнинг мақсад ва вазифалари ҳамда уларнинг моҳиятига алоҳида тўхталди.

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАР ЎРНИ ЮКСАЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Ўзбекистон етакчи аёллари ва БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ижрочи директори Гада Вали иштирокида “Давлат ва жамият бошқарувидаги етакчи аёлларнинг ўрни” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, БМТ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ижрочи директори Г. Вали табрик сўзи билан очди.

Сенат Раиси Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича бажарилаётган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб, давлатимиз опа-сингилларимизни камситишнинг ҳар қандай шаклидан ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя қилишни назарда тутувчи барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилганини ҳамда Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. Шу саъй-ҳаракатлар, пировардида давлат ва жамият бошқарувида аёллар ўрни юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Г. Вали Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди. Ўз навбатида, у БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясига ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтириш стратегиясига мувофиқ, ўз ташкилоти томонидан аъзо давлатларга кўрсатилаётган норматив, техник ва таҳлилий кўмак ҳам хотин-қизлар манфаатларига қаратилганлигига урғу берди.

Давра суҳбатида БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси талаблари бажарилишини тарғиб этишда, аёллар ҳуқуқларини кенгайтиришда парламентнинг ўрни, уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқ ва имкониятларини яхшилаш, хавфсизлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш ва иқтисодий ҳолатини ўзгартириш бўйича самарали стратегиялар, гендер жиҳатлари бўйича ёндашувлар ва ечимлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, гендер тенглик, уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, бу борада Ўзбекистоннинг ҳокимият тузилмаларидаги етакчи аёлларга кўмаклашиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар амалдаги ҳамкорлик дастурлари ҳамда наркотик моддалар, жиноятчилик, терроризм ва коррупцияга қарши курашиш муаммоларини ҳал қилишга жалб этилган давлат органларида хотин-қизларни кўпайтириш бўйича Ўзбекистоннинг янги стратегиясига гендер масалалар киритилганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Якунда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, уюшган жиноятчилик, коррупция ва терроризмга қарши курашиш бўйича умумий мақсадларга эришиш билан боғлиқ ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Парламент назорати



# ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Эшитувда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш бўйича изчил ислоҳотлар ижроси таъминланмоқда

Соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони имзоланди.

Стратегияда 2025 йил охирига бориб “Бизнес юритиш” халқаро индексида (Doing Business Index) “қурилишга рухсатномалар олиш” (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича республикамизнинг позициясини яхшилаш, геологик, табиий-иқлим, сейсмологик ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда 2025 йилга бориб миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро норматив ва стандартлар билан уйғунлаштиришга эришиш ҳамда 2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олиш мақсад қилинган.

Стратегияда белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2021 йил 1 мартдан бошлаб, икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда объектнинг Қурилиш вазирлиги қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинди.

Хусусан, бугунги кунгача 123 та шаҳарсозлик хужжати жамоатчилик муҳокамасига киритилган бўлиб, шундан 109 таси муҳокамадан ўтган. Шунингдек, аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий ҳужжат мақомини беришда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот портали тизими доирасида “Геопортал” ахборот тизими яратилган. Бош режалар ушбу ахборот тизимига жойлаб борилмоқда.

Бугунги кунда геопорталга юртимиздаги 213 та шаҳар ва шаҳарчаларнинг бош режалари, 595 та ҳудудни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштириш лойиҳалари, 16 та ҳудудни батафсил режалаштириш лойиҳалари, жами 824 та шаҳарсозлик ҳужжати киритилган бўлиб, фуқаролар ва тадбиркорлар ушбу шаҳарсозлик ҳужжатлари билан бевосита геопортал орқали эркин танишиши мумкин.

Стратегияни амалга ошириш доирасида қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинча низом Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланди. Мазкур қарор талаблари асосида жорий йилдан бошлаб биринчи марта тендерларни онлайн электрон тизим орқали ўтказиш йўлга қўйилди. Жорий йилда қурилиш соҳасига оид 12 та шаҳарсозлик норма ва қоидалари янгиланди.

Қурилиш вазирлигининг маълумот беришича, фуқароларга қурилаётган объектлар тўғрисида мустақил равишда ахборот олиш, ноқонуний қурилишларни аниқлаш, қурилиш объектларидаги қоидабузарликларни қайд этиш ва уларни қурилиш соҳасидаги назорат бўйича ваколатли органларга юбориш имконини берувчи “Огоҳ фуқаро” тизими тест режимда ишга туширилди.

Шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар, жумладан, хорижий норматив ҳужжатлар илмий-техник кутубхонаси ташкил қилинди. Кутубхонада қурилиш соҳасига доир 2 минг 46 та адабиёт хатловдан ўтказилди ва уларнинг электрон рўйхати шакллантирилди.

Илмий-техник кутубхона негизида “Қурилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар” маълумотлар базаси яратилиб, 54 та норматив ҳужжатнинг электрон шакли www.shnk.uz расмий веб-саҳифасига очиқ фойдаланиш учун жойлаштирилган.

Эшитувда депутатлар шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибларини такомиллаштириш, соҳада маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш, қурилиш ишлари сифатини ошириш, шаҳарсозлик фаолиятини рақамлаштириш, соҳани малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича бир қатор таклифлар бердилар.

Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# КОНСТИТУЦИЯ — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллигига бағишлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Конституция — фаровон ҳаётимиз ва тараққиётнинг асосий пойдевори” мавзуида тадбир ўтказилди.*

## Тадбир

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Девони ходимлари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.

Қайд этилганидек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий Қонунимизда қатъий белгиланган. Конституциямиз ўзининг тамойиллари ва қоидалари билан мамлакатимиз тақдири, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилашда муҳим ҳужжатдир.

Бош қомусимизнинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Шу маънода, Президентимиз раҳбарлигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳада, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган амалий ишлар эса жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизнинг ҳар томонлама равнақ топишида, одамларнинг бахтиёр яшашида Бош қомусимиз маёқ бўлаётгани, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб бергани, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатланишини эътироф қилган ҳолда замонавий демократик тараққиёт учун замин яратгани қайд этилди.

Тадбирда сўз олганлар Конституциямиз миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи инсонпарвар, халқчил қомус сифатида барча соҳада кенг имкониятлар эшигини очиб бергани, миллий қадриятларимиз асосига қурилгани, ўзида халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофдаги жиҳатларини акс эттиришини таъкидлаб ўтдилар. Хусусан, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича сўнгги йилларда тизимли ишлар олиб борилгани қайд этилди.

**«Халқ сўзи».**

# Ўзбекистоннинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги сиёсати юқори баҳоланди

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё бўйича бошқарувчи директори Ж. Харгитай билан учрашуви бўлиб ўтди.*

## Ҳамкорлик

Унда Ўзбекистон ва халқаро молия муассасаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Мартабали меҳмон Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, банк-молия ва солиқ тизимларидаги ўзгаришлар ҳамда пул-кредит сиёсатини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Бугунги кунда юртимиз вилоятларида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг бир неча минтақавий ваколатхоналари очилган.

Томонлар Ўзбекистонда халқаро ташкилот иштирокида амалга оширилаётган ва истиқболда режалаштирилаётган ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилма лойиҳалари параметрлари ҳамда молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, суғурта бозорини ривожлантириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Мулоқот якунида томонлар ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрлигини ҳамда икки томонлама муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор эканликларини билдирди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.**

# ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАЖМИ ОШАДИ



*Куни кеча Президентимиз раҳбарлигида қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди. Унда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига қайта тикланувчи энергия манбалари улушини кескин кўтариш, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган вазифалар, лойиҳаларни амалга оширишнинг молиявий ва ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.*

## Муносабат

Бугунги кунда дунёда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошаётганлиги, углеводород хом ашёси захираларининг камайиб бораётганлиги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миқёсини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилиб, энергетика соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Бу борада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш, янги электр тармоқларини қуриш, эскиларини таъмирлаш, энергетика тизимини рақамлаштириш, мослашувчан энергия манбаларини яратиш ва эски иссиқлик электр станциялари портфелини янгилаш, кадрларнинг касбий тайёргарлигини кучайтириш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир.

Йиғилишда 2022 — 2024 йилларда 3 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига, жами қуввати қарийб 3 минг мегаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш режалаштирилганлиги ҳамда “2020 — 2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси”да белгиланган 5 ГВт қуёш фотоэлектр ва 3 ГВт шамол электр станцияларини қуриш вазифасини 2026 йилга қадар амалга ошириш кўзда тутилаётгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, давлат-хусусий шериклик асосида қайта тикланувчи энергия манбалари электр станциялари лойиҳалари ижросида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Хусусан, 2019 йилда Халқаро молия корпорациясининг техник кўмагида ўтказилган саноат кўламидаги қайта тикланувчи энергия манбалари электр станцияси қурилиши лойиҳаси танловида “Abu Dhabi future energy company — Masdar” компанияси ғолиб бўлган. “Masdar” томонидан Навоий вилоятининг Кармана туманида қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши охирги босқичларда бўлиб, 2021 йил 27 августидан ягона энергетика тизимига “яшил энергия” етказиб беришни бошлаган.

Ушбу қуёш фотоэлектр станцияси дастлабки йилдан бошлаб йилига 260 миллион кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу Ўзбекистонда 80 миллион метр куб табиий газ сарф қилган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилишига эквивалентдир. Лойиҳа қурилиши давомида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция жалб қилинган.

Шунингдек, келгуси йилда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида жами 900 мегаваттли яна 5 та қуёш электр станциясини барпо этиш бўйича инвесторлар танлови якунланиши ҳудудларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Юқоридаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали, яқинда Глазго шаҳрида бўлиб ўтган иқлим бўйича халқаро саммитда таъкидланган Ўзбекистон 2030 йилгача “иссиқхона газлари”нинг ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган улушини 2010 йилдагига нисбатан 35 фоизга камайтириш ташаббусининг ижросини таъминлаш имконияти яратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миқёсини кенгайтириш мамлакатимизда энергетик барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга хизмат қилади.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ИНСТИТУЦИОНАЛ НОРМАЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА



*Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳасида ўзгаришларга эришилди, иқтисодиётнинг янги хўжалик юритувчи субъектлари — йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва хусусий мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ташкил этилди.*

*Шу билан бирга, улар фаолият юритиши шартларини белгилаб берувчи расмий қоидалар ҳамда миллий қадриятлар, урф-одатлар ва бошқа норасмий нормаларни ўз ичига олган институционал муҳит ҳамда мамлакат иқтисодиётининг институционал таркиби шаклланди.*

## Долзарб мавзу

Мазкур институционал муҳит базавий таркибининг асосини халқнинг турмуш тарзини, урф-одатларини, диний эътиқодларни ҳисобга олувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил қилади. Бу жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларининг бозор иқтисодиётига ўтиши, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатди.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни институционал ривожлантириш йўналишида ҳал қилиниши лозим бўлган, ўз ечимларини кутаётган, янги Ўзбекистоннинг тараққий этишига тўсқинлик қилаётган муаммолар, вазифалар мавжуд.

Гап шундаки, ҳар қандай давлат ва жамият, унинг иқтисодий агентлари маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради. Вақт ўтиши билан ўша институтлар ички ривожланиш талаблари ва ташқи омиллар таъсири остида “эскиради”, улар тараққиётга тўсиқ бўлиб қолади. Шундай ҳолатларда мавжуд институтлар ва институционал нормаларни такомиллаштириш ёки улар ўрнига янгиларини киритиш лозим бўлади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда Президент фармонлари, қарорлари орқали институционал нормалар ҳамда механизмлар такомиллаштирилди ва янги институтлар жорий қилинди. Бундай муҳитда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишини белгиловчи умумий институционал модел сифатида мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатлари ҳамда янгича бошқариш тизими барпо этилиши моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш билан биргаликда иқтисодий тараққиётни тезлаштирмоқда. Натижада мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши босқичма-босқич барқарорлашди ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Институционал нормалар ва механизмлар иқтисодий ривожланишга таъсир этувчи омиллар самарадорлигини оширишга асос яратиши билан бирга, узоқ истиқболда иқтисодий ўсишга янада кенг шароит очиб бермоқда. Институционал муҳитнинг шаклланиши билан боғлиқ муаммолар ҳамда институционал чекловлар юзага келиши ёки институционал нормаларнинг “эскириш” жараёнлари тўхтади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўрта ва узоқ истиқболда иқтисодий ривожланишнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ҳамда аҳоли турмуш сифатининг юксалиб боришига ижобий таъсир этувчи иқтисодий равнақнинг янги жиҳатлари намоён бўлишини билиш муҳим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олганда, мамлакатимизда шаклланган институционал муҳит сифатининг иқтисодий тараққиётга ва институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш ҳамда барқарор иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи институционал нормаларни такомиллаштириш ўта долзарб ва янги иқтисодий гуркураш нуқталарини топиш ва модернизациялашни кенгайтириш учун зарур ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мавжуд институционал нормалар ва механизмларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида юзага келган номутаносибликлар, узилишларни аниқлаш ва янги ёки таркибий жиҳатдан такомиллашган институтлар, институционал қоидалар ва механизмларни амалга киритиш зарурдир.

### Ўзига хос норма ва қоидалар тезда пайдо бўлмайди

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай янги институт ёки институционал, яъни ўзига хос нормалар, қоидалар тезда пайдо бўлмайди ёки уларни амалга киритиш бирдан юз бермайди. Аксинча, айрим институтлар қанчалик жозибали бўлмасин, уларни қонунчиликка киритиш ҳамиша ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди ёки бундай ҳаракат ривожланишга тўсиқ бўлиб, мавжуд институционал мутаносибликни бузиши мумкин.

Ўзбекистонда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилига амал қилган ҳолда, ўзини оқлаган институционал норма ва механизмларни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларига мувофиқ такомиллаштириш талаб этилади.

**Шуларни инобатга олганда, институционал иқтисодиёт ривожланишини белгилаб берувчи усуллар ва амалий воситалар зарур ва улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:**

- янги институтлар шаклланиши тамойиллари, жамиятдаги расмий ва норасмий институционал-ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш ҳамда институционал таҳлил қилиш усуллари;
- институтлар ва уларнинг жамият ҳамда иқтисодиёт ривожланишидаги роли ва механизмлари;
- иқтисодий муносабатларда шартномаларнинг турлари ҳамда ушбу жараёнларда юзага келадиган транзакция харажатларини таҳлил қилиш ва камайтириш усуллари;
- хуфиёна иқтисодиёт келиб чиқишининг институционал сабаблари, уларнинг турлари ва баҳолаш усуллари;
- хусусий мулкчилик ва мулкдорлар ҳуқуқларининг институционал назарияси ва таҳлилий усуллари;
- ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхонасини бошқаришда топшириқ берувчи (“принципиал”) ва топшириқни бажарувчи (“агент”) ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосини ечиш усуллари, корхоналар турлари ва улар институтларини ривожлантириш йўналишлари;
- институционал ташкилот сифатида давлатнинг мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ахборот тармоқларини ривожлантириш, ўлчаш стандартларини яратиш, инфратузилмани кенгайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соф ижтимоий фаровонликни таъминлаш вазифалари ва уларни баҳолаш усул ва мезонлари;
- оила ва уй хўжалиги институтларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг институционал-ҳуқуқий нормаларини ҳамда оиланинг инсон капиталини асраш ва ривожлантириш функцияларини такомиллаштириш йўллари;
- инновацион ривожланишнинг институционал назарияси ва инновациялар яратувчи субъектларнинг қиёсий таҳлили усули;
- институтларнинг вақтга кўра ўзгаришининг асосий қоидалари ва Ўзбекистон иқтисодиётини ва ижтимоий муносабатларни институционал-ҳуқуқий ривожлантириш йўналишлари.

Президентимизнинг маърузалари ва асарларида белгилаб қўйилган барқарор иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш билан боғлиқ йўналишларда изчил ишлар бажарилмоқда.

Институционал ривожланиш нуқтаи назаридан, давлатнинг асосий функцияларидан бири, бу — хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Хусусий мулк — иқтисодий рақобатни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳамда иқтисодий ўсишни, янги иш ўринларини яратишнинг самарали механизмидир. Шу боис мулкчилик муносабатларида юзага келаётган муаммовий ҳолатларга иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида институционал нормалар таъсирини баҳолаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва шартномалар бажарилишига давлат кафолатининг институционал механизмларини такомиллаштириш зарурдир.

Тадбиркорлик корхоналарини, айниқса, кичик бизнесни ҳимоя қилиш, улар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мезонлари бўйича институционал нормалар ҳамда механизмлар шулар жумласига киради.

### Корхоналарни қўллаб-қувватлаш мезонлари

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон иқтисодиётининг институционал таркиби ва унинг иқтисодий ўсиш учун зарурий шароитлар (имкониятлар) яратишдаги ролини баҳолаш, иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этаётган институционал чекловларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, йирик корпоратив тузилмалар (корхоналар) равнақида институционал омилларни таҳлил қилиш ва институционал чекловларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Рақобат шароитида иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан трансакциялар бажарилишига ва улар учун сарфланаётган харажатларга боғлиқ ҳисобланади. Ушбу муаммо юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар назарий таснифга эга бўлиб, улар иқтисодий ривожланишнинг трансакция харажатларининг амалий жиҳатларини ҳисобга олмаган. Бозор тузилмаларида трансакция харажатларини оптималлаштиришнинг йўллари ва институционал механизмларини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик устувор мавқега эга. Шуни ҳисобга олиб, кичик бизнес фаолиятини, айниқса, унинг оила тадбиркорлиги шаклининг институционал ривожланиш босқичлари самарадорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг истиқболда иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини оширишнинг институционал — ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтириш лозим.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашнинг ўтган йилларда тўпланган тажрибаларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида институционал нормаларни такомиллаштириш ва шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш зарур.

Мамлакатимизда, ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариантлари ташқи шароитларга боғланмаслиги, инерцион хусусиятга эмас, балки инновацион-инвестицион тавсифга эга бўлиш ҳамда тегишли давлат ва нодавлат институтлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланиши керак. Шунингдек, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса, саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсишни ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига эмас, сифат жиҳатидан такомиллаштирилган институционал норма ва ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига эришиш лозим.

Ўзбекистонда институционал муҳитнинг ҳозирги ҳолати, унинг таркибий тузилиши ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларининг кутилгандан ортда қолишининг институционал сабабларини аниқлаш, шунингдек, янги қиймат яратишга йўналтирилган инвестицияларни ЯИМ ўсиш суръатлари ва самарадорлигининг статистик боғлиқлигини эконометрик моделларга институционал омилларни киритиш орқали баҳолаш талаб этилади.

Ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий тизим барқарор ўсишининг асосий омили сифатида инсон капиталини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, профессионал таълим институтини ривожлантириш нормаларини ишлаб чиқиш лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболда институционал равнақини таъминлашнинг юқорида қайд этилган муаммолари, коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни устувор ривожлантиришни ажратиш лозим.

Шуни ҳисобга олиб, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланганидек, бизнеснинг янги институтлари пайдо бўлиши ва кенгайишини ҳар томонлама рағбатлантириш, аграр соҳанинг нуфузини, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, аҳолини қўллаб-қувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормаларини янада такомиллаштириш зарур.

**Бозорбой БЕРКИНОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.**

# ЭНГ СЎНГГИ ИШЛАНМА ВА ИХТИРОЛАР БИР ЖОЙДА МУЖАССАМ

1

Жамият раҳбари Хожиназар Ходиназаровнинг айтишича, мазкур лойиҳани тижоратлаштиришга тайёрлашда Инновацион ривожланиш вазирлигининг 1 миллиард 500 миллион сўм миқдоридаги гранти ютиб олингани қўл келмоқда.

Аслида Хожиназар ака муҳандис ёки техниканинг етук устаси ҳам эмас. Ўрта маълумотли, ҳамма қатори оддий одам, деҳқончилик билан шуғулланарди. Бу ғоя айни шу деҳқончилик қилиш жараёнида пайдо бўлган ва кейинчалик ривожлантиришга киришилган. Ана шу қизиқиш асосида яратилган ихчам техникага 2017 йилда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент олинган. Техника учун эҳтиёт қисмлар ҳозир турли корхоналардан буюртма асосида тайёрланади.

Чиндан ҳам, лойиҳа соҳа вакиллари учун янгилик. Лойиҳа ташаббускори уни оммалаштириш, ишини ривожлантириш ниятида. Ишонамизки, бу ният, албатта, амалга ошади. Чунки “InnoWeek.Uz — 2021” ҳафталиги айни шундай лойиҳаларни юзага чиқариш ва қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган.

Айтиб ўтганимиздек, ҳафталик доирасида намойиш этилаётган ишланмалар ҳаётий зарурат ва келажакка назар асносида тайёрланган. Уларнинг ҳар бири қайсидир соҳа учун фойдали. Одамларга енгиллик яратишга қаратилган.



— Масалан, биз келтирган сув иситиш ускунаси ҳар жиҳатдан фойдали, — дейди “Solar Sall” компанияси директори Салауатдин Илясов. — Яъни унга электр энергияси, газ ёки бошқа ёнилғи керак эмас, сувни қуёш нури орқали 80 — 90 даражагача иситиш мумкин. Иссиқликни йўқотиш даражаси жуда кам. Иситиш ускуналаримиз 300, 400, 500 литргача сиғимга эга. Бу хонадонлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун жуда қулай.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти докторанти Шокир Ғаффоров яратган дағал озуқаларни майдалаш қурилмаси ҳам қишлоқ аҳли, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари меҳнатини енгиллатишда қўл келади. Сабаби, кўп ҳолларда чорва учун озуқалар қўл меҳнати ёрдамида майдаланади ёки майдаланмасдан ҳам берилишини кўп учратамиз. Бунда озуқанинг 25 — 30 фоизи чиқитга чиқиб кетади. Шу жиҳатдан қараганда, қурилма бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, унга кам металл сарфланган, иш унуми юқори, мобиль ҳолатда бир жойдан бошқа жойга кўчириш қулай. Қолаверса, электр энергияси тежалади. Кичкина ҳажмли ички ёнув двигатели ўрнатса бўлади,



шунингдек, трактор ёрдамида ҳаракатга келтириш мумкин.

Намойиш қилинаётган ускуна ва техникалар билан танишар эканмиз, “InnoWeek.Uz — 2021” ўзаро тажриба алмашиш, янги бизнес муносабатларини йўлга қўйиш, потенциал сармоядорларни жалб этиш ва ишончли ҳамкорлар топиш учун ажойиб имконият эканига яна бир карра амин бўлдик.

Ҳафталик давомида ўндан ортиқ тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Биргина “Сунъий интеллект — технологик ривожланиш асоси” мавзуидаги халқаро конференцияда эса сунъий интеллект технологиялари бўйича халқаро ҳамда маҳаллий малакали мутахассислар томонидан маърузалар ташкил этилади. Шунингдек, анъанавий тус олган “International Robotics Challenge — 2021” робототехника мусобақаси бўлиб ўтади. 16 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўспиринларни қамраб олган ушбу мусобақада робототехникага қизиқувчи ёшлар ўзаро беллашади ҳамда энг яхши иштирокчилар қимматбаҳо совринлар билан тақдирланади. Шу ўринда айтиш жоизки, бу йилги мусобақада 20 та мамлакатдан талабгорлар қатнашмоқда. Қолаверса, “International Robotics Challenge — 2021” доирасида 25 ноябрь куни “Турк дунёси фан ва маданият фестивали” ташкил этилади.



Қисқаси, ҳафталик дастури хилма-хил ва қизиқарли. Бундай янгиликлардан баҳраманд бўлишни истасангиз, инновацион ғоялар ҳафталигига келинг, томоша қилинг, ишланмангиз, ихтиронгиз бўлса, маслаҳатлашинг, тажриба алмашинг. “InnoWeek.Uz — 2021” инновацион ғоялар ҳафталиги сизга шундай имконият беради.

“InnoWeek.Uz — 2021” инновацион ғоялар ҳафталиги очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов иштирок этди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Бухоро вилоятининг Ғиждувон (1-лот), Вобкент (2-лот), Ромитан (3-лот), Шофиркон (4-лот) туманлари маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендер бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) таклифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва “Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига” деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловалари-сиз), **2022 йил 10 январь соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича ғолибни аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг **pppda.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

**100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-“А” уй.**
**Телефонлар: 71-207-07-70 (1072#), 99-409-70-02.**

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Самарқанд вилоятининг Нуробод (1-лот), Пайариқ (2-лот) ҳамда Пахтачи (3-лот) туманларида маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендер бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) таклифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва “Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссиясига” деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига ариза нусхаси (иловаларисиз), **2022 йил 10 январь соат 18.00 га** (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича ғолибни аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг **pppda.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

**100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-“А” уй.**
**Телефонлар: 71-207-07-70 (1072#), 99-409-70-02.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 466 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.15 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6